

ХУРРАМОВ Азамат Файзуллаевич,
 Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
 иқтисод фанлари доктори, профессор;
МАМАТОВ Ахметжон Атажанович,
 Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардия
 Ҳарбий техника институти, иқтисод фанлари
 доктори, профессор;
МИНГБОЕВ Шухрат Мингбой ўғли,
 Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
 катта ўқитувчи;
ТУРОБОВ Шерзод Алишерович,
 Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
 катта ўқитувчи

ИҚТИСОДИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ДОИРАВИЙ АЙЛАНИШ МОДЕЛИДА УЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

УДК 334.024

**ХУРРАМОВ А.Ф., МАМАТОВ А.А., МИНГБОЕВ Ш.М., ТУРОБОВ Ш.А. ИҚТИСОДИЙ
РЕСУРСЛАРНИНГ ДОИРАВИЙ АЙЛАНИШ МОДЕЛИДА УЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.**

Мақолада уй хўжаликларни иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланишлар моделида тутган ўрни ва хусусиятлари ёритилган. Доиравий айланишлар моделида уй хўжаликларининг давлат, фирма ва корхоналар билан иқтисодий муносабатлари тадқиқ этилган

Таянч иборалар: Уй хўжаликлари, давлат, фирма, корхона, иш хақи, бирламчи даромадлар, ёлланма ишчилар даромади, тадбиркорлик, трансферт даромадлари, ишчи кучи, меҳнат, бандлик.

**ХУРРАМОВ А.Ф., МАМАТОВ А.А., МИНГБОЕВ Ш.М., ТУРОБОВ Ш.А. РОЛЬ ДОМАШНИХ
ХОЗЯЙСТВ В МОДЕЛИ КРУГООБОРОТА ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ.**

В статье исследуется место домашних хозяйств в модели кругооборота экономических ресурсов и их особенности. Представлены экономические отношения между домашними хозяйствами и государством, фирмами и предприятиями в модели кругооборота.

Ключевые слова: домашнее хозяйство, государство, фирма, предприятие, заработка плата, первичные доходы, доходы наемных работников, предпринимательство, доходы от трансфертов, рабочая сила, труд, занятость.

**KHURRAMOV A., MAMATOV A., MINGBOYEV SH., TUROBOV SH. THE ROLE OF HOUSEHOLDS IN
THE MODEL OF THE CIRCULATION OF ECONOMIC RESOURCES.**

In the article are considered place of the household in the model of the economic resources circulation and its features. Economic relations between households and the state, firms and enterprises in the circulation model were discussed.

Keywords: households, state, firm, enterprises, wage, primary incomes, incomes of employees, entrepreneurship, income from transfers, work force, labor, employment.

Бозор иқтисодиёти тизимида уй хўжаликларининг ўрни иқтисодий адабиётларда маълум бўлган ресурслар, маҳсулот ва даромадлар доиравий айланиш модели ёрдамида тадқиқ қилиниши мумкин. Маълум бир чеклашлар билан бўлсада, мазкур модел бизга бозор иқтисодиётининг асосий субъектларининг ўзаро алоқалари борасида маълум бир тасаввурлар ҳосил қилиши имконини беради.

Ресурслар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва пул маблағларининг узлуксиз доиравий айланиши мамлакат иқтисодиётининг макро-даражасида амалга ошади. Бунда бир томондан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, иккинчи томондан эса, пул маблағлари бир – бирларига қарама-қарши ҳаракатланадилар. Макроиқтисодий фаолиятнинг ҳар бир иштирокчилари (уй хўжаликлари, фирмалар, давлат хорижий фирма ва давлатлар) ушбу доиравий айланиш моделига жалб қилинадилар. Макроиқтисодиётда маҳсулот ва даромадлар доиравий айланиши моделини кўриб чиқамиз.

Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиши моделида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва олинган даромадларнинг тенглиги борасидаги назарий қарашга асосланади. Бунда даромад ва ҳаражатлар айнан бир айрибошлаш жараёнининг икки томонини ифода этади. Хусусан, фирмалар учун истеъмол товарлари ва хизматларини сотишдан олинган пуллар даромад саналсада, айни бир вақтда, мазкур пуллар уй хўжаликлари учун жорий истеъмол ҳаражатлари ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур моделда барча ресурслар уй хўжаликларигагина тегишли деган фикрга асосланиб иш кўрилади. Шу билан яна бир қаторда, мазкур моделда иқтисодий фаолият субъектларининг ҳар бир гурухлари ичida содир бўладиган ўзаро иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги ҳам инкор этилади.

Макроиқтисодиётда ўзининг хусусий мақсад ва манфаатлари, ҳаракатланиш усуулларига эга бўлган уч муҳим иқтисодий субъект: фирма ва корпорациялар, давлат ва уй хўжаликлари ўзаро алоқада бўладилар. Умумий ҳолда иқтисодий агентлар – бу бевосита иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилишда иштирок этувчи иқтисодий муносабатларнинг субъектлариdir. Ресурслар, маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланиш модели барча бозор иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини яққол тарзда ифодалаб беради. Мазкур моделга кўра унинг иштирокчилари иқтисодий манфаат нуқтаи назаридан бир – бирлари билан узвий

боғлиқдирлар, зеро бир иштирокчининг фаровонлиги бошқа иштирокчиларнинг фаровонлигига узвий боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ҳатто, айни бир бозор субъекти уй хўжалиги, давлат муассасаси таркибида бўлиши ва бизнес иштирокчиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин."Бозор иқтисодиётининг талаби шундайки, ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши керак"¹ дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Бозор муносабатларининг барча иштирокчилари реал мулқдорлар бўлиб ҳисобланадилар ва бошқа иқтисодий субъектларнинг манфаатларига мос тушувчи ёки қарама-қарши келувчи ўз иқтисодий манфаатларига эга бўладилар. Уй хўжаликлари ўз эҳтиёж ва истакларини энг юқори даражада қондиришга интиладилар, фирмалар – энг юқори максимал фойда олишни, давлат эса – жамият фаровонлигини юксалтириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солади. Уларнинг ҳар бири ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимида ўзининг маълум бир ўрнига эга бўлгани ҳолда, ўз иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш учун бозор алоқаларининг ифодаловчиси бўлган бошқа иқтисодий субъектлар нимага эҳтиёж сезаётган бўлсалар ушбу нарсани таклиф этишлари лозим. Асосий иқтисодий субъектлар (иқтисодий агентлар)нинг ўзаро муносабатларини таҳлил қиласи эканмиз, шуни таъкидлашимиз лозимки, улар ўртасидаги муносабатлар доимо ҳам соф бозор тавсифига эга бўлавермайди.

Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиш моделида "уй хўжалиги" сектори муҳим ўрин тутиши маълум бўлсада, унинг мазкур моделдаги ўрни тўлалигича ўз баҳосини топмаган. Уй хўжаликлари бевосита ёки билвосита иқтисодий ресурсларга эгалик қилиб яқуний ҳисобда эса мазкур ресурсларнинг асосий таъминотчилари бўлиб ҳисобланадилар ва бир вақтнинг ўзида иқтисодиётда асосий истеъмол ҳаражатларини амалга оширувчи гурух сифатида ишти-

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

рок қиладилар. Ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги шароитида даромад ва харажатларнинг доиравий айланиш моделининг тизимли парадигмаси қўйидаги кетма –кетликда намоён бўлади: уй хўжалиги – корхона – давлат.

Доиравий айланиш моделида уй хўжаликлари ресурсларни сотиш эвазига олган даромадларини жорий истеъмол харажатларига ва жамғармаларига сарфлайдилар, яъни ўз истеъмол харажатларини маълум бир муддатга ортга сурган ҳолда кечикирилган талабни амалга оширадилар. Аҳоли жамғармалари фирмалар томонидан фойдаланилиши ёки молиявий активлар бозорига йўналтирилиши мумкин, бироқ, молия бозорида аҳоли жамғармаларининг нечоғлиқ иштирок этиши, аҳолининг молия – кредит институтларига ишончига боғлиқ. “Шу тариқа, уй хўжаликлари фирмалар билан ресурслар бозорида таклиф томонидан ва маҳсулотлар бозорида эса талаб томонидан туриб, ўзаро алоқага киришадилар”¹.

Биринчи ишлаб чиқариш босқичида улар ресурслар ишлаб чиқариш омилларига айланиб, товар ва хизматлар яратилади. Бу жараёнда уй хўжалиги икки хил йўналишда иштирок этади: биринчидан, ўз ресурсларини фирмалардаги ишлаб чиқариш жараёнига киритишади; иккунчидан, уларни ўzlари мустақил ишлатадилар. Улардан чиқсан инсон омили нафақат миллий, балки бошқа ердаги ишлаб чиқаришга ҳам киритилади.

Уй хўжаликларининг такрор ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичидаги иштиrokerи ғоят мураккаб кечади, чунки тақсимлашнинг ўзи кўп босқичли бўлиб, унда кўпчилик субъектлар қатнашади. Тақсимлаш жараёнида уй хўжалиги яратилган маҳсулот ва хизматлар бозор қийматидан ўз улушини олади, бу бозор иқтисодиётидаги тақсимлаш қонунига биноан юз беради. Бу улуш миқдори уй хўжаликларининг такрор ишлаб чиқаришдаги иштиrokerи даражасига боғлиқ бўлади. Тақсимлаш жараёнида маҳсулот ва хизматларнинг бир қисмини уй хўжаликлари олса, бошқа қисми фирмаларга тегади. Бу қисмлар қайта тақсимланиб, улардан олинган чегирмалар давлат ва нодавлат ташкилотларнинг улушкига айланади. Тақсимлашдан сўнг келадиган айирбошлаш босқичида товар ва маҳсулотлар пулга

айирбошланади, яъни бу ерда олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади.

Истеъмол босқичида товар ва хизматларнинг муайян мақсад йўлида ишлатилиши, яъни сарфлаб юборилиши юз беради. Бу жараёнда фирмаларнинг ишлаб чиқариш истеъмолига нисбатан эҳтиёжи қондирилади, яъни улар илгари сарфланган ресурслар ўрнини тўлдирадилар ва янгидан қўшимча ресурсларни ишлаб чиқаришга юборадилар. Уй хўжаликларининг истеъмол жараёнидаги муносабати бошқа субъектлар билан эмас, балки хўжаликнинг ўзида бирлашган истеъмолчилар ўртасида кечади, аммо истеъмол ишчи кучини такроран яратиб, фирмаларга етказиб беришга хизмат қилади. Уй хўжалигида қисман бўлса-да, ишлаб чиқариш истеъмоли бўлади ва бу оиласий ишлаб чиқаришдаги ресурсларни тиклаш ва кўпайтиришга қаратилади.

Бу такрор ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида мавжуд бўлади. Бу жараёнда у энг аввало ресурслар эгаси сифатида майдонга чиқади. Унинг ихтиёридаги моддий, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурслари бозорга таклиф этилади. Бу ерда улар пулга алмаштирилади, яъни фирмалар, давлат ва нодавлат ташкилотларига сотилади. Бундан тушган пул истеъмол бозорига чиқиб товар ва хизматларни сотиб олишга сарфланади.

Уй хўжаликларининг бошқалар билан муносабати аксарият ҳолларда бозор муносабати тавсифига эга, аммо бу борада ҳозирги адабиётда эътироф этилаётган нобозор муносабатлари ҳам бор².

Уй хўжаликлари томонидан олинаётган даромадлар, товар ва хизматлар хариди учун тўлиғича сарфланмайди: балки уларнинг маълум бир қисми давлатга солиқлар тўлашга ва жамғармаларни шакллантиришга ишлатилади. Уй хўжаликларининг истеъмол товарларига бўлган талаби даромад, солиқлар, жамғармалар миқдори, жамғарилган мол –мулк каби бир қатор омилларга боғлиқ. Тасарруфдаги даромад ҳажми уй хўжаликларининг истеъмол бозоридаги талабига таъсир кўрсатувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Уй хўжаликлари давлатга турли иқтисодий ресурсларни (энг биринчи навбатда давлат идораларида ишловчи хизматчиларнинг меҳнатини) таклиф этадилар ва таклиф этилган ишлаб чиқариш омиллари учун иш хақи шаклида даромад олади-

¹Бадалов Ш.Дж. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликларининг иқтисодий функциялари. - Т.: "IQTISODIYOT", 2013. – Б.23.

²Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс, принципы, проблемы и политики. ИНФРА –М. 1992.

лар. Бундан ташқари, уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан солиқ тўловларининг амалга оширилишини кўзда тутивчи турли ижтимоий неъматларни тақдим этадилар. Таъкидлаш лозимки, давлат уй хўжаликларини нафақат солиқقا тортади (даромад солиғи, мол –мулк солиғи ва ҳоказо) балки пенсия, ишсизлик ва вақтингча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа ва шу кабилар кўринишида трансферт тўловларини ҳам амалга оширади. Трансферт тўловларининг муҳим бир қисмини – давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжлар учун амалга оширилувчи пул тўловлари – меҳнатга лаёқатсиз, ишсизлик ва аҳолининг бошқа шу каби кам таъминланган қатламларига тўланувчи пенсия, нафақа ва бошқа ёрдам турлари ташкил этади. Трансферт тўловларининг иккинчи йўналиши – бу давлат томонидан ишлаб чиқарувчи фирмаларга бир қатор товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бериладиган пул тўловларини ифода этувчи, дотация ва субсидиялардир. Субсидия ва дотациялар товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда истеъмолчиларга, шу жумладан уй хўжаликларига ҳам тақдим этилиши мумкин.

Уй хўжаликлари молия бозорлари институтлари кўмагида бир томондан ўз жамғармаларини инвестициялашни амалга оширсалар, иккинчи томондан эса, улар ёрдамида қарз ва кредит олишлари ҳам мумкин. Уй хўжаликларининг молиявий хулқи шаклланган анъана ва миллий қадриятларга содиқликда; молиявий истеъмолнинг шаклланган андозаларда; молиявий танловни мақбуллаштириш стратегияларида; молиявий қарорлар қабул қилишдаги рационаллик (ёки иррационаллик) даражасида; молиявий бозорда иштирок этишнинг фаоллигига; молиявий ахборотлар, давлат ва молиявий институтлар, молиявий хавфсизлик хатарлари ва кафолатларига муносабатларда намоён бўлади. Молиявий хулқнинг ушбу ўз моҳиятига кўра, сифат тавсифларини миқдор жиҳатдан баҳолаш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ўтган ва жорий даврлар учун бундай баҳолашларни амалга ошириш истиқболдаги ўзгаришларни аниқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда уй хўжаликларининг молиявий маблағлари жамғаришга асосланган анъаналар доирасида қолмоқда, натижада улар ўз молиявий активларини асосан жамғариш инструментларига жойлаштироқдалар. Бундай ҳолат Ўзбекистонда уй хўжаликлари ҳали етарлича даражада мил-

лий молиявий бозорнинг ўсишини таъминловчи генераторга айлана ололмаганилигига ва уларнинг алоҳида сегментларини халқаро таққослашларда қўллаб бўлмайди. Бундай шароитда миллий молиявий бозорни бир қатор тараққий этган мамлакатларнинг молия институтлари асосида ташкил топган халқаро молиявий марказлар билан ўзаро интеграциялашуви жараёни ўта қийин кечмоқда.

Молиявий маблағ, моддий таъминланганлик даражасининг ҳосиласи бўлганлиги боис, уй хўжаликларининг молиявий ҳатти –харакатларини тавғифлашда бир томондан иқтисодий муҳит ва бошқа бир томондан хўжаликнинг молиявий маблағининг индикаторлари сифатида уларнинг молиявий ҳолати ва истеъмол кутишларини тавсифловчи кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Уй хўжаликлари молиявий ҳолатининг индикаторлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин:

- уй хўжаликларининг пуллик даромадлари ва уларни истеъмол нархлари индекси билан таққослаган ҳолдаги ўзгариш суръатлари;
- пуллик даромадларнинг таркиби ва тузилмаси, унда мулқдан олинадиган даромадларнинг салмоғи ва унинг ўзгариш йўналишлари;
- яшаш минимуми билан таққослаганда бир ойлик ўртача жон бошига тўғри келувчи пуллик даромадлар;
- уй хўжаликлари харажатлари таркиби ва динамикаси, уларда кўчмас мулк ва молиявий активларни сотиб олишга йўналтирилган харажатларнинг салмоғи.

Истеъмол кутишларининг индикаторлари сифатида: уй хўжаликлари томонидан умумий иқтисодий вазият ва ундан кутилаётган ўзгаришларининг баҳоланиши; йирик харидларни ва молиявий активларни сотиб олишни амалга ошириш учун қулай шарт –шароитлар мавжудлигини баҳолаш; шахсий моддий таъминланганлик ва унинг келажакда янада яхшилаш имкониятларини баҳолаш; истеъмолчилар (уй хўжаликлари) нинг ишонч индекси ва унинг ўзгариши каби кўрсаткичлардан фойдаланишимиз мумкин.

Доиравий айланишлар модели бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг фирмалар ва давлат билан ўзаро алоқаларининг асосий тамойилларинигина ифода этади холос. Мазкур модел уй хўжаликлари ўртасида амалга ошадиган битимларни ва уларнинг ўзигагина хос

бўлган тор ички жиҳатларни ифода эта олмайди. Ўй хўжаликлари ўз имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда ва меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш борасида ишларни бажариб, хизматларни амалга ошириб Давлат Статистика қўмитаси ҳисоботларида ҳисобга олинмайдиган қўшилган қиймат яратадилар. Ушбу ҳолатда шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, хизматлар соҳаси қанчалик кам ривожланган бўлса қўшилган қиймат ҳажми шунчалик юқори бўлади, бунинг ҳисобига уй хўжалиги ўзининг бошқа функцияларига зарар келтирмаган ҳолда ўзига хос микро корхонага айланиб боради. Ўз – ўзига хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми уй хўжалигини юритиш учун вақт сарфлари бўйича баҳолаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, доиравий айланишлар модели иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг умумий йўналишларинигина тадқиқ этиш имконини беради. Масалан, доиравий айланишлар модели ҳар бир иқтисодий агентларнинг бозор устуворликларини трансформациялашуви жараёнларини ва уй хўжаликлари ўртасидаги алоқаларда тўлиқ ифода эта олмайди. Бироқ бу жараёнлар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда, зеро бозор иқтисодиётини ижтимоийлашуви унинг субъекти сифатида уй хўжалигининг бозор агентига хос бўлган, сифат жиҳатдан трансформациялашувига олиб келмоқда. Уй хўжаликларининг бозордаги анъанавий чекланган доирадаги мавқеи, уларнинг ишлаб чиқариш ва жамғариш соҳасида фаол тадбиркорлик фаoliyati ҳисобига кенгайиб бормоқда. Умумий ҳолда, иқтисодий агентлар – бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибош-

лаш ва истеъмол қилиш жараёнларида бевосита иштирок этувчи иқтисодий муносабатлар субъектларидир.

Уй хўжаликлари ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча тўрт босқичида иштирок этади. Ишлаб чиқариш босқичида, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда уй хўжалиги аъзоларининг иштироки амалга ошади. Тақсимлаш босқичида уй хўжалиги маълум бир даромадга эгалик қиласди ва олинган даромадлардан солиқ тўлайди, даромаднинг маълум бир қисмини вазиятдан келиб чиқсан ҳолда жамғаради. Уй хўжаликлари ўз ихтиёrlаридағи ресурсларни сотишдан даромад олар экан, турли истеъмол неъматларини харид қилиш учун чекланган даромадларини тақсимлаш борасида қарорлар қабул қиласдилар. Навфиликни максималлаштириш уй хўжаликларининг бош иқтисодий манфаати ҳисобланади. Истеъмол неъматларини танлаш асносида уй хўжаликлари бозор талабини шакллантирадилар. Айрибошлаш босқичида уй хўжалиги қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда иштирок қиласди, коммунал хизматлар учун тўловларни тўлайди, кредитлардан фойдаланади, хўжаликлараро трансферларни амалга оширади. Истеъмол босқичида уй хўжаликлари ички ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан фойдаланади ва истеъмол талабини шакллантира бориб, ишлаб чиқариш жараёни натижаси сифатида олинган неъматларни ўз аъзоларининг эҳтиёjlарини қондириш учун сарфлайдилар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720-сон Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т:// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
3. Бадалов Ш.Дж. Миллий иқтисодиётда уй хўжаликларининг иқтисодий функциялари. - Т.: "IQTISODIYOT", 2013. – Б.23.
4. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс, принципы, проблемы и политики. ИНФРА –М. 1992.